

Ислохпарвар олим ва шоирларимиздан самаркандлик мулла Сайидахмад Васлий 29нчи ўктябрда вафот этди.

Васлий XX аср бошларида майдонга отилиб, усули жаид мактабларига ёрдам ва тарафдорлик эта бошлагон хакконий олимларимиздан биридир. Самаркандда 1903нчи йидда очила бошлагон янги мактаблар учун бошлаб китоб ёзиб бостиргонлардан бири Васлийдир. Хатто Самаркандда кўп вақт давом килгон 1-2 мактабнинг очилишига Васлий сабаб бўлгондир. Шунинг учун биз бу ерда унинг қисқача таржимаи холини, мактаб ва маориф йўлида килгон хизматларини ёзиб ўтмакни лозим биламиз.

Васлий Самаркандда «Кўк масжид» гузарида 1287нчи хижрий (1869 м.) йидда дунёга келган. Отаси уста Азим деган бир кордгар (пичок ясагучи) экан. Васлийнинг етти ёшлик вақтида отаси ўлган.

Васлийнинг ибтидоий тахсили Самаркандда мирзо Абдулхамид оддида бўлгон. Васлий ўзининг 14 ёшлик чоғида онаси билан Тошкентга Абулкосим деган тоғасининг уйига бориб тургон. Шундаги Кўкалдош мадрасасида мулла Яъқуб хузурида ақоидгача ўқугон. Сўнгра онаси билан бирга (1892нчи) яна Самаркандга кўчиб келган. Бир йилдан кейин ўқуш учун хар йил тахсил чоғида Бухорога бориб келиб юрган. 1902нчи йилда Бухорода хатми кутуб килгон. Васлий Бухорода расмий дарсларини кози калон Бадриддин олдида ўқугон бўлса ҳам, энг катта устози мулло Абдурозикча бўлгон.

Васлий 1905нчи йилдан эътиборан Бухорода расмий мударрис тайин этилиб, беш йил чамаси дарсгўйлик килгон. Сўнгра Бухоро мударрислигидан воз кечиб, Самаркандда тура бошлагон. Бунда бошлаб Шохизинда мадрасасида ва сўнгра Орифжонбой мадрасасида мударрис бўлуб, бу кунгача дарсгўйлик килиб келмакда эди.

Васлий афанди эски мадрасалардаги тахсил ва тадрис усулининг қамчиликларини бошлаб онглагонлардан, ҳам шунинг ислохига доир ўзбек матбуотида энг аввал ўз фикрини ёзгон кишилардандир. 1907нчи йидда тотор олим ва мухаррирларидан Абдурашид Иброхимов Туркистон саёхатида келиб Бухорога тушганида, Васлий унга Бухоро мадрасаларининг усулсизлиги ва ҳукумат идораларининг бузуқлиги тўғрисида маълумот берган эди. Сайёх Абдурашид Иброхимов Васлийдан олгон маълумотини ўзининг муҳокама ва танқидлари билан бирга ўша вақтда Козонда чикатургон «Ахбор»

газетасида нашр килгонида, бу воқеа бутун Бухоро уламоларини галаёнга келтургон эди. Шунинг натижасида Бухоро кози калони Васлийни ўз хузурига чакириб олиб каттик урушконини эшитган эдик.

1906нчи йилдан бошлаб Туркистонда чиккан хар бир ўзбекча газетага Васлийнинг ислохпарварона шеър ва мақолалари босилгондир. 14-15нчи йилларда Васлий афанди «Ойна» журнали билан «Садойи Фаргона» газетасида баъзи масалаларга қарши чиқиб мақолалар ёзгон бўлса ҳам, сўнгра мувоҳаса натижасида сукут этишга мажбур бўлгон эди.

Васлийнинг энг яхши кўратургон ишларидан бири дарсгўйлик бўлса, иккинчиси асар ёзиб бостириш эди. Васлий афанди ўлганигача шул икки ишдан қўл тортмади, турли мавзуда ўзи ёзгон форсча, ўзбекча ва арабча асарларининг кўбисини ўзи бостириб таркатди. Васлий улуми арабияга мохир бўлуб, илм ва фазли билан Туркистонда анчагина шухрат чиқаргон эди. Ул коидасиз «хавоший»хонликларга қарши бўлуб, ўз замонидаги мутаассиб мулалардан ҳам рози эмас эди. Хамма вақт ўзининг шогирд ва суҳбатдошларига «замонга мувофиқ олим бўлиш керак», деб гапирар ва хатто, баъзи шогирдларини «ақоид» ўқишдан манъ қилар эди.

Васлийнинг бу кунгача босилгон асарлари:

- 1) Баён ул-хуруф (форсча алифбо)
- 2) Асос ул-ислом (форсча ақоид)
- 3) Асл ул-аҳком (форсча илми хол)
- 4) Зиҳр ул-мағрур (форсча ахлоқ)

5) Ибодати исломия — форсча

6) Бахористони Жомий (ўзбекча таржимаси)

7) Кабул этмали - ўзбекча

8) Бокмок керак - ўзбекча

9) Девони форсий

10) Девони туркий

11) Назм ус-силсила - форсча манзума

12) Имоми Аъзам - форсча

13) Маданияти ва шариати исломия - форсча

14) Мукаддимаи сарфу нахви арабий хам намунаи сарфу нахви форсий (форсча)

15) Акоидаи гайри манкута (арабча)

16) Нафъи ут-толиб (Кофия шархи - арабча)

17) Адаб уд-дин (ўзбекча шеърлар).

Босилмагон асарлари:

1) Девони ашъор (200 бет микдорида форсийча-ўзбекча шеърлар)

2) Хиҷоби занон - форсча

3) Хавас ул-афъол - форсча

4) Иштикок - форсча

5) Маданияти ва шариати исломия - ўзбекча

6) Мавлуд - ўзбекча

7) Тарожими ахвол - ўзбек муосирларидан бир неча шоирнинг кискача таржимаи холи

8) Ўзининг таржимаи холи ва хотиралари - форсча.

Васлий афанди «Танких» билан «Шамсия»га арабча шарх ёза бошлагон бўлса ҳам, 5-6 бетдан ортмай чала колгон. Икки йил бурун ўзининг таржимаи холини ёзишга киришган эди. Бу асарини ёзиб тамом килгон бўлса керак.

Васлийнинг босилгон ва босилмагон турли шеърлари кўбдир. Бу ерда унинг илмга ташвиқ этиб ёзгон шеърларидан намуна учун 1-2 тасини кўрсатамиз. Васлийнинг ўзбекча шеърдан намуна:

Каддингдек сарву мавзун йўктур асло бўстон ичра, Алифдек коматингни килки кудрат чекти жон ичра. Лабингдан ком олон ошикга йўктур Хизрдек ўлмак, Юзингдан кимки ўпти колди ишки жовидон ичра. Муаттар бўлди олам то сабо тебратди зулфингни, Хамоно атр септи жаъди гисуйинг жахон ичра. Хариминг маҳрами икки жахонни кўзга илмайдир, Сани кўрган киши гилмон сари бокмас жинон ичра. Мунаввар килса кулбам мохи рухсоринг тонг эрмаским, Топилмас оразингдек мохи тобон осмон ичра. Дилим ишкинг фаюзидан хаёти жовидон топди, Бихамдиллаҳки, меҳринг килди жо руҳи равон ичра. Жамолинг рашидан гул ёка йиртти, лола бўлди доғ, Ётар бу иккиси хасрат билан бир умр кон ичра. Агар гулдек юзингни кўрмасам, эй шўх, гуландом, Колурман йаъсдан булбул каби оху фигон ичра. На янглиг бўлмасун Васлий санга ошикки то шул дам, Сенингдек нозанинни кўрмади неча замон ичра.

Инкилобдан кейин Васлий бир томондан, ўзининг дарсгўйлиги билан машгул бўлгонидек, бошқа томондан, баъзи янги мактабларда форсча адабиёт ва сарфу нахв ўкутиб юрди. 1925нчи йилда Самарканд вакф шўъбаси томонидан очилгон «дор ул-илм»да арабча сарфу нахвдан дарс бериб турди. Васлий 65 ёшда эди. Ундан бир хотун, бир ўгул ва бир киз колди.

«Маориф ва ўқутгувчи» журнали, 1925 йил, 10-сон